

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2007 йил 20-26 ноябрь

№ 48 (564)

Сешанба кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2007 йил 16 ноябрь № ПҚ-730 Тошкент шаҳри

А. И. Икрамовни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Адхам Илхамович Икрамов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2007 йил 25 октябрь 227-сон Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон Қарорини бажариш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари кадрлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар

Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги Низом иловаса мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. С. Қосимов ва Р. С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ.

(Мазкур Қарорнинг иловалари билан 2-саҳифада танишасиз).

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 19 ноябрдаги 80-сонли буйруғига асосан, Фарҳод Обиджонович Илҳомов 2007 йил 19 ноябрдан бошлаб, Лицензия бериш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кун

ХОЛИСЛИК, ҲАҚҚОНИЙЛИК ВА ЭРКИНЛИК ДОИРАСИДА

Мамлакатимиз тарихида муҳим воқеа бўлиб қоладиган – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тadbирларининг кенг кўламли олиб борилиши ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Этибор қиладиган бўлсангиз, Республикада марказий сайлов комиссиясининг амалдаги фаолияти, кенг жамоатчилик билан олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари, сайлов ҳуқуқи ва қонунчилиги тўғрисидаги тушунчалар кундалик ҳаётнинг бир жабҳасига айланиб қолди.

Айниқса, оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилаётган "Сайлов – демократия кўзгуси" номли туркумнинг тўғридан-тўғри мулоқот дастурлари ҳар бир фуқаронинг сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий ва сиёсий билимларини бойитиш барборида, уларнинг сайловда эркин, демократик ва холислик тамойилига асосланган ҳолда ўз номзодларига овоз бериш имкониятини кўрсатиб беради. Айни кунларда юртимизда фаолият юритаётган партиялардан муносиб номзод-



СУРАТДА: Хоразм вилояти, Урганч туманидаги 31-сайлов участкаси раиси Ҳамид Матёкубов ишчи гуруҳи билан сайлов олди масалалари ҳусусида суҳбатлашмоқда.

ларнинг танлаб олиниши, сайлов округи ва участкаларининг барча зурuriy техник воситалар, кенг имкониятлар ва Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига оид адабиётлар билан таъминлини тadbирнинг қай даражада олиб борилаётганлигидан далolat беради. Бир неча кунлардан сўнг сайлов кампаниясининг муҳим босқичи, номзодларнинг сайлов олди ташвиқоти бошланади. Бу билан ҳар бир номзод ўз дастурларидаги мақсад-вазифалар ва истиқболли режалари-

ни кенг оммага тақдим этади. Қувонарли томони шундаки, кўпгина фуқароларда сайлов олди тушунчаларнинг мавжудлиги ва уларда Президент сайловиға қатнашишдек масъулият юки, эркин нуктаи назари борлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Дарвоқе, республикамиз ҳудудларида қизгин олиб борилаётган муҳим тadbир ҳар бир инсон ҳаётида янгича мазмун ва моҳият кашф этишига шубҳа йўқ.


Ибодат СОАТОВА.

Тadbир

ОММАВИЙ ЭМЛАШ ЖАРАЁНИ АМАЛДА

Мамлакатимизда 12 ноябрдан 25 ноябрга қадар "Қизамик ва қизилчага қарши оммавий эмлаш" дастурининг изчиллиги билан бошлаб юборилганлиги тadbирнинг қанчалик ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини далolat беради.

11 ёшдан 29 ёшгача бўлган саккиз миллиондан ортиқ фуқароларни оммавий тadbир доирасида эмлаш ва бу касалликни 2010 йилга қадар батамом бартараф этишига эришиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг энг мукаммал дастур вазифаларидан бири ҳисобланади. Табиики, бу жараён ҳеч бир ўзбекистонлик фуқарони эътибордан четда қолдирмайди. Шу маънода вакцинация тadbирини ўтказишдан олдин ЮНИСЕФ Журналистлар ижодий уюшмаси ва нодавлат телестудиялар тармоғи каби ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий сафарбар этиш ва тadbирнинг жойларда олиб борилишини назорат қилишга қаратилган дастурла-



рини бошлаб юборган эди.

Мазкур масала юзасидан барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида оммавий эмлаш тadbирлари ишчи режаси

тузиб олиниб, эмлаш пунктлари керакли шароит ва имкониятлар билан таъминланди. Энг муҳими, аҳоли яшайдиган пунктларда тарғибот ва ташвиқот ишларининг жадаллик билан олиб борилиши ижобий натижаларни бермоқда. Аҳоли эмлаш тўғрисида етарли билим ва кўникмага эга. Мазкур тadbирнинг сифатли ва самарали ўтказилишини таъминловчи юқори даражали вакцина маҳсулотлари, уларни бир меъёрга ушлаб турувчи музлатгичлар ва вакцинаторлар гуруҳи ҳар бир муассасада фаолият юритаётганлигини қўриш мумкин. Тadbирнинг бошланганига ҳали ҳеч қанча вақт ўтмай, режага мувофиқ ишлар кўлами айтарли низоҳасига етай

Ана шундай масъулиятли вазифаларни ёритишга астойдил ҳаракат қилган газетамизнинг махсус муҳбири Намоз ТОЛИПОВ яқинда уч кунлик хизмат сафари билан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, оммавий эмлаш жараёнларининг жойларда қандай олиб борилаётганлиги билан танишиб қайтди.

(Мазкур тadbирнинг тафсилотлари билан 6-саҳифада танишасиз).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги
227-сон қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этиш-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда аттестация комиссияси деб аталади) фаолиятини тартибга солиди, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимлари эгаллаб турган лавозимига муносиблиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартибини, шунингдек соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларининг аттестациядан ўтказиладиган лавозимлари рўйхатини белгилайди.

2. Аттестация комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади. Аттестация комиссиясининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан тасдиқланади. Аттестация комиссияси аъзолари аттестациядан ўтказиш тизимининг бошқа ишга ўтган тақдирда уларнинг лавозимига янгидан тайинланган ёхуд тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юкланган шахслар аттестация комиссияси таркибига киритилади.

3. Қуйидагилар аттестация комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбар ходимларини ҳар йили аттестациядан ўтказиб туриш, жумладан, уларнинг касбий тайёр-гарлик ва малака даражаси бўйича эгаллаб турган лавозимига муносиблигини баҳолаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари кадрлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш бўйича тақдирлар киритиш; соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлини ва бошқарув органлари раҳбарларининг малакаси ҳамда касбий тайёргарлиги даражасини доимий равишда ошириб бориш тизимини яратиш бўйича тақдирлар тайёрлаш.

4. Аттестация комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун-ларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон-ларига, Қарорлари ва Фармо-ийшларига, Ўзбекистон Рес-пуб-ликаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

II. Аттестация комиссиясининг фаолияти

5. Аттестация комиссиясини раис бошқаради. Аттестация комиссияси раиси бўлмаган тақдирда аттестация комиссиясини аттестация комиссияси раисининг ўринбосари бошқаради.

6. Аттестация комиссияси раиси аттестация ўтказиладиган жой ва муддатларни, аттестациядан ўтказиладиганларнинг таркибий рўйхатини ҳамда соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимлари-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ни аттестациядан ўтказишга доир бошқа ташкилий масалаларни белгилайди.

7. Аттестация комиссияси фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилади. Котибият таркиби аттестация комиссияси қарори билан тасдиқланади. Котибиятни аттестация комиссияси аъзоларидан бири бошқаради.

8. Аттестация комиссияси котибияти:

аттестацияни ўтказиш ҳадвалини тузади ва уни тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;

аттестация комиссияси фаолияти бўйича буйруқлар ва фармо-ийшлар лойиҳаларини тайёрлайди;

аттестациядан ўтказиладиганларнинг шахсий йиғмажидларини шакллантиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аттестацияга тааллуқли буйруқлари ва фармойишларини аттестация комиссияси аъзоларига ҳамда аттестациядан ўтказиладиганларга етказилади.

9. Аттестация комиссияси аъзолари аттестация комиссияси мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашадилар, зарурат бўлганда аттестациядан ўтказиладиганлар фаолиятига тааллуқли қўшимча материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадирлар, аттестация варақасини ва аттестация протоколини имзолайдилар.

10. Комиссия мажлислари аттестация комиссияси раиси тасдиқлаган ҳадвал бўйича, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

III. Аттестациядан ўтказиладиган шахслар ва уни ўтказиш муддатлари

11. Соғлиқни сақлаш тизимининг аттестациядан ўтказиладиган раҳбар ходимлари лавозимлари рўйхати ушбу Низомга 1-иловада келтирилган. Аттестация ҳар йили ўтказилади.

12. Ўриндошлик шартларида ишлаётган ходимлар аттестациядан умумий асосларда ўтказилади.

Қуйидагилар: тегишли лавозимда бир йилдан кам ишлаган шахслар; ҳомиладор аёллар, шунингдек, болани уч ёшгача парвартиш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар аттестациядан ўтказилмайди.

Кўрсатиб ўтилган аёлларни аттестациядан ўтказишга улар ишга чиққандан сўнг бир йилдан кейин йўл қўйилади.

IV. Аттестациядан ўтказиш талаблари

13. Аттестация ўтказилиши тўғрисидаги буйруқ унинг ўтказилиш кунидан камида 10 кун олдин аттестациядан ўтказилувчиларга етказилади.

14. Аттестация комиссиясига ҳар бир аттестациядан ўтказилувчи учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

маълумотнома; маълумоти ва илмий унвони тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари; малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома (сертификат)лар нусхалари; ўтган йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот; маълумотнома-тавсифомалар;

республика даражасидаги раҳбарлар учун — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди ўринбосари-дан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорат инспекциясидан;

вилоят даражасидаги раҳбарлар учун — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди ўринбосари-дан;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқориген Кенгеси Раисидан ёки вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокими-дан;

соҳа бўйича Республика ихтисослаштирилган тиббиёт маркази раҳбаридан;

туман даражасидаги раҳбарлар учун — Қорақалпоғистон Рес-пуб-ликаси Соғлиқни сақлаш вазирли-гининг мутасадди ўринбосари-дан, вилоят (Тошкент шаҳар) соғлиқни сақлаш бошқармаси бош-лигидан, соҳа бўйича Республика ихтисослаштирилган тиббиёт мар-кази раҳбаридан.

Аттестация комиссияси аттес-тациядан ўтказилувчининг меҳнат фаолияти тўғрисида қўшимча маълумотлар сўраб олиш ҳуқуқига эга.

15. Аттестациядан ўтказиш та-лаблари қуйидагилар тўғрисидаги ҳолисона баҳодан иборат бўлади: раҳбарларнинг касбий сифатла-ри ва уларнинг ўзи бошқараётган ташкилотда соғлиқни сақлаш со-ҳасидаги давлат сиёсатини амал-га ошириш якунлари бўйича фао-лиятининг якуний натижалари; лавозим вазифалари, режалар ва дастурларга мувофиқ раҳбар фаолиятининг аниқ натижалари; тиббий ёрдам кўрсатиш дара-жаси ва сифатига нисбатан талаб-ларнинг таъминланиши ҳамда унга юкланган ишларда фуқаролар соғ-лигини муҳофаза қилиш соҳаси-даги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;

тиббий кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва улар билан иш олиб бориш сифати; моддий ресурсларни бошқариш самарадорлиги;

илгор ахборот технологиялари-нинг, замонавий илмий, ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг да-волаш жараёнига жорий этилиши; даволаш жараёнининг таълим ва илм-фан билан интеграцияси-ни ривожлантириш; амалдаги қонун ҳужжатлари, маънавият ва маърифат масала-лари бўйича билимларга эғлиқ; халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши.

V. Аттестацияни ўтказиш тартиби

16. Аттестация комиссияси мажлиси аттестациядан ўткази-лаётган ходим иштирокчида ўткази-лади.

Аттестацияга узрли сабаб би-лан келмаган шахслар аттестация комиссиясининг кейинги навбат-даги мажлиси вақтида аттестация-дан ўтишлари керак.

Аттестацияга узрсиз сабаб би-лан келмаган шахслар огоҳлан-тирилади. Аттестацияга узрсиз са-баб билан такроран келмаган тақ-дирда аттестация комиссияси тақ-дим этилган ҳужжатлар (матери-аллар) асосида аттестациядан ўтказилувчининг эгаллаб турган лавозимига муносиб эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлиқдир.

17. Аттестация комиссияси тақ-

дим этилган ҳужжатларни (мате-риалларни) қўриб чиқади, шундан кейин аттестацияни ўтказиши.

18. Аттестацияни ҳолисона ўтка-зиш мақсадида аттестация комис-сияси:

аттестациядан ўтказиладиган ходимга унинг функционал вази-фалари билан боғлиқ бўлган са-волларни беради;

аттестациядан ўтказилувчи то-монидан тақдим этилган унинг ҳизмат фаолияти тўғрисидаги қўшимча маълумотларни қўриб чи-қади.

19. Аттестация комиссияси мажлиси, агар унда комиссия аъзоларининг камида 2/3 қисми қатнашса, қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

20. Аттестация ўтказиш даво-мида аттестациянинг стенограм-маси ёки аудио-видео ёзуви юри-тилади ва унинг натижалари му-ҳофиза қилинади.

VI. Аттестация натижалари

21. Ходимнинг касбий сифат-ларини баҳолаш тўғрисидаги қарор, шунингдек, аттестация ко-миссиясининг тавсиялари аттес-тациядан ўтказилувчининг иштиро-кисиз, оддий овоз бериш йўли билан, аттестация комиссиясининг мажлисида қатнашган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

22. Аттестация натижалари бўйича аттестация комиссияси қуйидаги баҳолардан бирини қабул қилади:

эгаллаб турган лавозимига му-носиб;

6 ойдан кейин такрорий аттес-тация ўтказган ҳолда, аттестация комиссиясининг тавсиялари бажа-рилиши шарт билан эгаллаб тур-ган лавозимига муносиб;

эгаллаб турган лавозимига му-носиб эмас.

23. Ходим тўғрисидаги маълум-

Низомга 1-илова
Соғлиқни сақлаш тизимининг аттестациядан ўтказиладиган раҳбар ходимлари лавозимлари рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош бошқармалари, бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари; Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят-лар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг бош врачлари; вилоятлар бошлар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг бош врач-лари;

вилоятлар тиббий диагностика марказларининг бош врачлари; туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмаларининг бош врачлари; вилоятлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология на-зорати Республика маркази ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачлари;

Республика шовилинч тиббий ёрдам марказининг директори ва унинг ўринбосарлари;

Республика шовилинч тиббий ёрдам маркази филиалларининг директорлари;

Республика даволаш-профилактика муассасаларининг бош врач-лари;

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг раҳбар-лари;

Илмий-тадқиқот институтлари ва Саломатлик ва тиббий статистика институтининг директорлари;

Олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари клиникалари-нинг бош врачлари;

Давлат санитария-эпидемиология назорати Республика маркази-нинг бош врачлари;

ОИТСга қарши курашиш Республика марказининг директори; Республика тиббиёт марказлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбо-сарлари.

(Давоми 4-бетда).

Указ и его исполнение

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года № УП-3923 "Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения" и Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики" Министерство здравоохранения Республики Узбекистан в сотрудничестве с Министерством финансов Республики Узбекистан и Главным управлением Казначейства осуществляет дела по внедрению данных указа и постановления в жизнь для повышения эффективности медицинской помощи населению. Как и в предыдущих номерах газеты, в очередном нашем издании мы продолжаем информировать вас о ходе их реализации.

Министерство финансов Республики
Каракалпакстан, финансовые управления
областей и города Ташкента

Управления казначейства по Республике
Каракалпакстан, областям и городу Ташкенту

Министерство здравоохранения Республики
Каракалпакстан, управления здравоохранения
областей и города Ташкента

РАСПРЕДЕЛЕНИЕ

функций и обязанностей между секторами финансирования учреждений здравоохранения Министерства финансов Республики Каракалпакстан, финансовых управлений областей и г.Ташкента, районных (городских) финансовых отделов, финансово-бухгалтерскими службами учреждений здравоохранения и казначейскими подразделениями

Во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики" Министерство финансов, Министерство здравоохранения и Казначейство Министерства финансов Республики Узбекистан направляют распределение функций и обязанностей между финансовыми органами, финансово-бухгалтерскими службами учреждений здравоохранения и казначейскими подразделениями.

1. Функции и обязанности отделов (секторов) финансирования учреждений здравоохранения территориальных финансовых органов:

рассмотрение, регистрация смет расходов учреждений

здравоохранения и представление после регистрации в соответствующие казначейские подразделения по одной их копии, заверяемой должностным лицом территориального финансового органа и скрепляемой печатью территориального финансового органа;

внесение в установленном порядке изменений в сметы расходов учреждений здравоохранения с обязательным согласованием вносимых изменений с казначейскими подразделениями;

прием месячных, квартальных и годовых отчетов учреждений здравоохранения об исполнении смет расходов по бюджетным средствам и смет доходов и расходов по внебюджетным средствам;

представление вышестоящим финансовым органам месячных,

квартальных и годовых отчетов об исполнении расходов на здравоохранение;

контроль за соблюдением учредителями здравоохранения сметно-штатной и бюджетной дисциплины;

участие в проведении ревизий и проверок финансово-хозяйственной деятельности учреждений здравоохранения, состоящих на соответствующих бюджетах.

Иные функции и обязанности секторов финансирования учреждений здравоохранения Министерства финансов Республики Каракалпакстан, финансовых управлений областей и г.Ташкента, районных (городских) финансовых отделов регулируются соответствующими приказами Министерства финансов Республики Узбекистан.

2. Функции и обязанности

финансово-бухгалтерских служб учреждений здравоохранения:

составление и утверждение смет расходов, штатных расписаний, тарификации медицинских работников и представление их на регистрацию в финансовые органы;

представление утвержденных смет расходов в вышестоящие органы здравоохранения для составления сводной сметы расходов;

исполнение зарегистрированных в установленном порядке смет расходов, заключение договоров на поставку товаров и услуг и представление их в казначейские подразделения;

ведение бухгалтерского учета и отчетности учреждений здравоохранения в соответствии с установленными стандартами; начисление и выплата зара-

ботной платы, пособий и других привнесенных к ней платежей, а также ведение учета материальных ценностей в учреждениях здравоохранения;

обеспечение строгого соблюдения сметно-штатной и финансовой дисциплины в соответствии с действующим законодательством.

Иные функции и обязанности финансово-бухгалтерских служб учреждений здравоохранения регулируются действующим законодательством.

3. Функции и обязанности казначейских подразделений:

Функции и обязанности Казначейства Министерства финансов и его территориальных подразделений регулируются в соответствии с приказом Министерства финансов Республики Узбекистан от 30 августа 2007 года №119.

Министр здравоохранения Ф. НАЗИРОВ
от 15 октября 2007 г. № 06-2/276

Заместитель министра финансов Д. КУЧКАРОВ
от 15 октября 2007 г. 12-03-04/823

Начальник Казначейства - Заместитель министра Б. АШРАФХАНОВ
от 15 октября 2007 г. № 1126

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПРИКАЗ

15.10.2007 г.

№ 459

г. Ташкент

Об утверждении численности работников финансово-бухгалтерских служб учреждений здравоохранения республики

Во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики"

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Утвердить нормативы численности работников финансово-бухгалтерских служб учреждений здравоохранения республики, согласно приложению № 1.

2. Упразднить с 1 января 2008 года централизованные бухгалтерии Министерства здравоохранения Республики Каракалпакстан, управлений

здравоохранения областей и города Ташкента, центральных районных (городских) больниц.

3. Создать ликвидационную комиссию при Министерстве здравоохранения, согласно приложению № 2.

4. Определить основными задачами ликвидационной комиссии:

организацию своевременности и качества проведения инвентаризации имущества, основных средств и другого инвентаря, бухгалтерских документов, документов делопроизводства, числящихся за централизованными бухгалтерами;

подготовку документов и в установленном порядке архивирование бухгалтерских документов, документов делопроизводства;

организацию передачи или списание в установленном порядке устаревших непригодных основных средств, инвентаря и других товарно-материальных ценностей;

обобщение материалов ликвидации и представление информации в вышестоящие органы; оказание содействия в трудоустройстве увольняемых работников в связи с упразднением централизованных бухгалтерий.

5. Министру здравоохранения

Республики Каракалпакстан, Начальнику главного управления здравоохранения г.Ташкента, начальникам управлений здравоохранения областей;

- в недельный срок создать ликвидационную комиссию для проведения приема-передачи имущества, основных средств и другого инвентаря, бухгалтерских документов, документов делопроизводства, числящихся за централизованными бухгалтерами;

- провести инвентаризацию имущества, основных средств и другого инвентаря, бухгалтерских

документов, документов делопроизводства, числящихся за централизованными бухгалтериями;

- представить информацию о проведенной работе по ликвидации централизованных бухгалтерий начальнику управления бухгалтерского учета и отчетности С. Махмудходжаеву (срок - 15 января 2008 года).

6. Контроль за исполнением настоящего приказа возложить на заместителя министра М. Ходжибекова.

Министр

Ф. НАЗИРОВ.

Согласовано

Министерство финансов Заместитель министра Д. КУЧКАРОВ
от 15 октября 2007 г. № 459

Приложение к Приказу Министерства здравоохранения Республики Узбекистан
от 15 октября 2007 г. № 459

Приложение № 2 к Приказу Министерства здравоохранения Республики Узбекистан
от 15 октября 2007 г. № 459

Нормативы численности работников финансово-бухгалтерских служб учреждений здравоохранения республики

1. Должность главного бухгалтера устанавливается в каждой финансово-бухгалтерской службе.

2. Должности заместителей главного бухгалтера устанавливаются в финансово-бухгалтерской службе, которой полагается по пп. 5 - 7 настоящих нормативов: от 5 до 15 должностей бухгалтеров - одна должность.

3. Должность руководителя группы учета устанавливается на одну или более функциональные группы, каждой из которых по пп. 5 - 7 настоящих нормативов полагается не менее 6 должностей бухгалтеров вместо одной из

них.

4. Должности бухгалтеров 1-й категории вводятся вместо должностей бухгалтеров, полагавшихся по пп. 5 - 7 настоящих нормативов. Число должностей бухгалтеров 1-й категории не может превышать 50 % от числа должностей бухгалтеров, полагавшихся по указанным штатам.

5. Должности бухгалтеров по учету продуктов питания устанавливаются из расчета одна должность на 200 копек.

6. Должности бухгалтеров по учету материальных ценностей устанавливаются из расчета одна должность на 250 копек или 50 врачебных должностей в нестационарных учреждениях.

7. Должности бухгалтеров по начислению заработной платы, пособий и других привнесенных к ней платежей устанавливаются из расчета одна должность на 300 работников.

8. Должность старшего кассира устанавливается в бухгалтерии, обслуживающей свыше 1 000 работников, вместо одной должности кассира, полагавшейся по п. 9.

9. Должность кассира устанавливается в каждой бухгалтерии.

Примечание: при утверждении штатов не допускается установление менее 0,5 должности. При расчете числа должностей итоговые цифры до 0,25 отбрасываются, свыше 0,25 до 0,75 - округляются до 0,5 и свыше 0,75 - до единицы.

СОСТАВ
ликвидационной комиссии при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан по управлению централизованных бухгалтерий Министерства здравоохранения Республики Каракалпакстан, управлений здравоохранения областей и города Ташкента, центральных районных (городских) больниц

Ходжибеков М. Х. - Заместитель министра - председатель комиссии

Хашимов Б. А. - Начальник ГУЭиФ - заместитель председателя

Исламова О. М. - Начальник контрольной инспекции Махмудходжаев С. С. - Начальник ГБУиО

Файзуллаев Е. Р. - Заместитель начальника ГУЭиФ

Юсина Л. А. - Главный специалист ГУЭиФ

Дудукина И. П. - Главный юристконсульт

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
БУЙРУҒИ

2007 йил 12 ноябрь

№ 509

Тошкент шаҳри

«Тиббиёт муассасалари бош врачлари ва уларнинг ўринбосарларини
«Тиббиёт муассасалари менежменти» курсларида ўқитиш тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли «Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда тиббиёт муассасалари бош врач ва уларнинг ўринбосарларини «Тиббиёт муассасалари менежменти» махсус курсларида узлуксиз малака ошириш тизимини яратиш мақсадида

ТАСДИКЛАЙМАН

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ва бошқа вазирликлар тасарруфидаги тиббиёт муассасалари бош врачлари ва уларнинг ўринбосарларини қисқа муддатли махсус «Тиббиёт муассасалари менежменти» курсларида ўқитиш бўйича масъул Олий таълим муассасаларига бириктириш ва босқичма-босқич ўқув жараёнини амалга ошириш жадвалини 1-иловага мувофиқ.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ва бошқа вазирликлар тасарруфидаги тиббиёт муассасалари бош врачлари ва уларнинг ўринбосарларини «Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув курслари мавзулари асосида ўқитиш жадвалини 2-иловага мувофиқ.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бошқа вазирликлар

тасарруфидаги тиббиёт муассасалари бош врачлари ва уларнинг ўринбосарларини Олий таълим муассасаларида қисқа муддатли махсус курсларда ўқитишга юбориш режаси шаклини 3-иловага мувофиқ.

БУЮРАМАН

1. Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига (Ш. Э. Атаханов):

- тиббиёт муассасалари бош врачлари ва уларнинг ўринбосарларини «Тиббиёт муассасалари менежменти» махсус курси бўйича 3 босқичли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини босқичма-босқич такомиллаштиришни татбиқ этиш юклатилсин;

- «Тиббиёт муассасалари менежменти» махсус курсини жорий этиш босқичида мониторинг олиб борилсин ва Вазирлар Маҳкамасига маълумот ҳар ярим йилда тақдим этиш юклатилсин;

2. Иқтисодиёт ва маблағ билан таъминлаш Бош бошқармасига (Б. А. Хасимов):

- Олий таълим муассасалари Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти, Самарқанд, Андижон ва Бухоро тиббиёт институтига «Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус курсларда ўқитиш учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан сарф-харажатлари сметаси тасдиқлансин ва маблағ билан таъминлаш юклатилсин.

3. Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтига (Ж. М. Собиров):

- «Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус курсларда ўқитиш бўйича дастурларни 2007 йилнинг 26

ноябригача ва ўқув материаллари жорий йилнинг 17 декабрига қадар ишлаб чиқилсин;

- Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълими ривожлантириш марказига ўқув дастурлари тақдим этилсин ва 2007 йилнинг 17 декабрига қадар аккредитациядан ўтказилсин;

- Олий таълим муассасаларида ижтимоий тиббиёт ва соғлиқни сақлаш менежменти ва бошқарув кафедралари педагогларини ўқув курслари орқали тайёрлаш (тренинг) 2007 йилнинг 28 декабригача амалга оширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошқармаларига:

- қисқа муддатли махсус курсларда ўқитиш учун сарф-харажатлар тиббиёт муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин;

- ҳудуд туманлари бўйича бош врачлар ва уларнинг ўринбосарларини қисқа муддатли махсус курсларда ўқитиш жадвали шаклига асосан (3-илова) жорий йилнинг 17 декабрига қадар улар бириктирилган Олий таълим муассасалари билан келишилган жадвал асосида талабнома топириш юклатилсин;

- Бош врачлар ва уларнинг ўринбосарларини қисқа муддатли махсус курсларда ўқитиш даврида улар бажарётган ишдан озод этиш, уларни маошлари сақланиши таъминлансин ва ўқиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар қоплансин;

- жойларда ўқув курсларини ташкил этиш шартнома асосида амалга оширилсин. Олий таълим муассасалари ва Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти томонидан ўқув материаллари, профессор-педагогларнинг сафар харажатлари (яшаш, транспорт, кунлик харажат) ҳисоб-китоби ишлаб чиқилсин;

- тиббиёт муассасалари бош врачлари ва уларнинг ўринбосарларини «Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус курси бўйича 3 босқичли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқитиш жараёни сарф-харажатлар маблағи ҳисоб-китоби 2007 йилнинг 1 декабрига қадар ишлаб чиқилсин ва сметага киритиш бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилсин;

- «Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус курсига тегишли кафедралар профессор-педагогларини жорий йилнинг 1 декабрига қадар Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтига ўқишга юбориш юклатилсин;

- Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бошқа вазирликлар тасарруфидаги муассасалар раҳбарлари талабномалари асосида қисқа муддатли махсус курсларда ўқитиш жадвали тасдиқлансин;

- қисқа муддатли махсус курсларда ўқитиш 2008 йилнинг 2 январидан бошлансин;

- Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бошқа вазирликлар тасарруфидаги муассасалар раҳбарлари билан шартнома асосида жойларда цикллар ташкил этилсин. Олий таълим муассасалари

ва Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти томонидан ўқув материаллари, профессор-педагогларнинг сафар харажатлари (яшаш, транспорт, кунлик харажат) ҳисоб-китоби ишлаб чиқилсин;

- тиббиёт муассасалари бош врачлари ва уларнинг ўринбосарларини «Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус курси бўйича 3 босқичли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқитиш жараёни сарф-харажатлар маблағи ҳисоб-китоби 2007 йилнинг 1 декабрига қадар ишлаб чиқилсин ва сметага киритиш бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилсин;

- «Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус курсини жорий этиш босқичида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва ҳудудий бошқармаларга ҳисобот ҳар чорақда топширилсин;

- «Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус курсини амалиётга татбиқ этиш жараёни босқичида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва ҳудудий бошқармаларга ярим йиллик ва йиллик ҳисобот топширилсин.

Буйруқнинг ҳамма бандларини бажаришга юқорида қайд этилган ҳар бир муассаса раҳбари масъулдир.

Ушбу буйруқни бажарилиш назоратини ўз зиммамда қолдираман.

ВАЗИР Ф. Г. НАЗИРОВ.

1-илова
«Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқитиш бўйича масъул Олий таълим муассасаларига бириктириш ва босқичма-босқич ўқув жараёнини амалга ошириш жадвали

Олий таълим муассасалари	Ўқув жараёни ва ҳудудлари бириктирилиши
1-босқич 2007 йил ноябрь-декабрь ойлари тайёрлов босқичи	
Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти	Ўқитиш дастурлари ва материалларини тайёрлаш ва аккредитациядан ўтказиш Ўқитиш жараёни сарф-харажатлар маблағи ҳисоб-китоби олий таълим муассасалари профессор-педагогларини ўқитиш
2-босқич 2008 йил январь ойдан – 2009 йил декабрь ойигача татбиқ этиш жараёни	
Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти	Тошкент шаҳри ва республика миқёсидаги муассасалар Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент вилояти Жиззах вилояти Сирдарё вилояти
Самарқанд Давлат тиббиёт институти	Самарқанд вилояти Кашқадарё вилояти Сурхондарё вилояти
Бухоро тиббиёт институти	Бухоро вилояти Навоий вилояти Хоразм вилояти
Андижон Давлат тиббиёт институти	Андижон вилояти Фарғона вилояти Наманган вилояти
3-босқич 2010 йил январь ойдан – 2012 йил декабрь ойигача амалиётга татбиқ этиш жараёни	
Олий таълим муассасаларида	Бош врачлар ва уларнинг ўринбосарларини қисқа муддатли курсларда ўқитиш жараёнини амалдаги тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув жараёни режасига татбиқ этиш.

Изоҳ: бошқа вазирликлар тасарруфидаги тиббий муассасалар Бош врачлари ва уларнинг ўринбосарларини қисқа муддатли махсус курсларда ўқитиш бўйича Олий таълим муассасаларга бириктирилиши, улар жойлашган ҳудудларга мос амалга оширилади.

(Давоми. Боши
1-2-бетларда).

Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи

Ш. Э. АТАХАНОВ.

(Давоми 5-бетда).

2-илова
«Тиббиёт муассасалари менежменти» қисқа муддатли махсус тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув курслари мавзулари асосида ўқитиш жадвали

№	Курс мавзуи	Бош врач ва уларнинг ўринбосарларини босқичма-босқич ўқитиш
2-босқич 2008 йил январь ойдан – 2009 йил декабрь ойигача татбиқ этиш жараёни		
1.	Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда тизимли ёндошув	Бош врачлар
2.	Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ходимлар фаолияти бошқарувида қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асослар	Бош врачлар
3.	Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги сифат бошқаруви	Бош врачларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари
4.	Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини бошқариш	Бош врачларнинг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари, бош бухгалтер
3-босқич 2010 йил январь ойдан – 2012 йил декабрь ойигача амалиётга татбиқ жараёни		
1.	Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда тизимли ёндошув	Бош врачларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари Бош врачларнинг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари, бош бухгалтер
2.	Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ходимлар фаолияти бошқарувида қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асослар	Бош врачларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари
3.	Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги сифат бошқаруви	Бош врачлар
4.	Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини бошқариш	Бош врачлар

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

2007 йил 12 ноябрь

№ 509

Тошкент шаҳри

3-илова

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ва бошқа вазирликлар тасарруфидаги муассасалар бош врачлар ва уларнинг ўринбосарларини
Олий таълим муассасаларида қисқа муддатли махсус курсларда ўқитиш жадвали шакли

№	Курс мавзуси	Худуд туманлари бўйича	Лавозими
2-босқич 2008 йил январь ойидан – 2009 йил декабрь ойигача татбиқ этиш жараёни			
1.	Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда тизимли ёндошув		
2.	Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ходимлар фаолияти бошқарувида қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асослар		
3.	Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги сифат бошқаруви		
4.	Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини бошқариш		
3-босқич 2010 йил январь ойидан – 2012 йил декабрь ойигача амалиётга татбиқ этиш жараёни			
1.	Соғлиқни сақлашни ташкиллаштиришда тизимли ёндошув		
2.	Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ходимлар фаолияти бошқарувида қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асослар		
3.	Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги сифат бошқаруви		
4.	Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини бошқариш		

Муассаса раҳбари имзоси

Фамилияси, исми-шарифи.

(Охири. Боши 1-4-бетларда).

Фармон ва Қарорнинг амалдаги ижроси

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бу ислохотларнинг замирида инсон, унинг ҳаёти, манфаати, турмуш фаровонлиги, энг муҳими саломатлигига қаратилган асосий омиллар ётади. Замон андозалари даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш – соҳадаги ислохотларнинг асосини ташкил этади. Бу борада мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ эзгу қадамлар қўйилди.

ТИЗИМ ИСЛОХОТЛАРИ ЙЎЛИДА

Президентимиз Фармони билан 1998 йилда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур Фармон асосида Республика шовишлич тиббий ёрдам маркази, унинг худудий филиаллари ва туман (шаҳар) марказий шифохоналарида бўлимлари ташкил қилиниб, аҳолига бепул шовишлич тиббий ёрдам қўрсатилиб, улар замонавий янги технологиялар билан жиҳозланди ва малакали кадрлар билан таъминланди. Шунингдек, қишлоқ жойларидаги аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами тизими ислох қилиниб, ҳозирги кунда уч мингдан зиёд замонавий қишлоқ врачлик пунктлари фаолият қўрсатиб келмоқда. Бунинг баробарида тизимдаги ихтисослаштирилган урология, В. Воҳидов номидаги хирургия, кўз микрохирургияси ва кардиология марказларининг ташкил этилиши ҳам халқимиз саломатлиги йўлида ўзига хос қўлаيикларни яратди.

Шу ўринда айтиш лозимки, тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш ва уларни моддий рағбатлантириш тизими муттасил такомиллаштириб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли Қарорига асосан тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими яратилди.

Дастурга асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 20 мартдаги 101-сонли буйруғи бўйича Республика Саломатлик институти, унинг 14 та филиал-

лари (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 та вилоят), туман (159 та) ва шаҳарларда (24 та) Саломатлик марказлари ташкил қилинди ва улар малакали кадрлар билан таъминланди. Тизимимизда 600 нафарга яқин врач, 700 нафардан ортиқ ҳамшира фаолият қўрсатмоқда. Тиббиётдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва халқимиз саломатлигига бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу йилнинг 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман (шаҳар) бошқарув тузилмалари ҳамда бухгалтерия молиялаштиришни янги тизимини яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, туман (шаҳар) катталар ва болалар поликлиникаларини бирлашти-

риб, ихтисослаштирилган поликлиникалар ташкил қилиш, вилоят марказларида алоҳида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари негизида кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ҳамда вилоят ташхис марказлари ташкил қилиш, шу билан бирга Тошкент шаҳрида ил-

рий текшириш институтлари негизида 6 та илмий-амалий тиббиёт марказлари, яъни акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология ҳамда эндокринология марказларини ташкил қилиш режалаштирилган. Шунингдек, Қарор асосида Республика Саломатлик институти – Саломатлик ва тиббий статистика институти деб аталди.

Аҳолига сифатли тиббий ёрдам қўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш, узоқ умр кўриш, фаол меҳнат қилиш, дам олиш, гигиеник кўникмаларга амал қилиш, соғлом турмуш тарзи асосида яшашни ўргатиш мақсадида кенг қамровли профилактик дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Бу эса тиббиёт ходимлари зиммасига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ масъулият юклайди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, улар соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлиқни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмоний бақувват фарзандлар туғилиши ва уларни баркамол қилиб тарбиялаш алоҳида қайд қилинган.

Насиба АҚРАМОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институтининг олий тоифали врач.

Семинар

МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ДОИРАСИДА

Жорий йилнинг 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирлигининг ҳамкорлигидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда вазирликлар ва Фазначилик Бош бошқармасининг мутасадди раҳбарлари, шунингдек, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ҳамда вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқарма бошлиқларининг иқтисодий масалалар бўйича муовин ва бош ҳисобчилари, республика тиббиёт муассасаларининг бош ҳисоби ва иқтисодчилари иштирок этди.

Семинар кун тартибига мазкур Фармон ва Қарорнинг амалдаги ижроси ҳамда вазирликларнинг 9 ойлик смета харажат-

лари таҳлили ва фазначилик қонунларининг ижроси бўйича асосий масалалар кўрилди. Тадбирда сўзга чиққан мутахассислар Фармон ва Қарорнинг мазмун-моҳияти нечоғли зарурат эканлигини таъкидлаб, бу борада муҳим қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилганлигини тилга олишиб, иштирокчиларини мазкур қонун ҳужжатлари билан яқиндан таништиришди.

Йиғилиш сўнггида мутахассисларга керакли бўлган услубий қўлланмалар тарқатилди.

Ибодат СОАТОВА.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Фармацевтической компании
ABM Worldwide Technologies Ltd.
срочно требуются:

- Менеджер по маркетингу
- Старший мед.представитель для организации работ мед.представителей
- Мед.представители

Требования:

- Фармацевт/Врач
- Высшее образование + не менее 3 лет опыта работы в фармацевтической коммерческой организации
- Знание программы MS Office
- Знание английского языка приветствуется

Отправлять резюме по факсу
120-64-85 или на e-mail:
jobs2level@yahoo.com

Тадбир: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

ОММАВИЙ ЭМЛАШ ЖАРАЁНИ АМАЛДА

Хизмат сафари билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлганимизда, асосий эътиборни оммавий эмлаш жараёнидаги фаолиятларни кузатишдан бошладик. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ижтимоий тадбир юзасидан барча ҳудудларда эмлаш пунктлари тайёрланиб, керакли шарт-шароитлар билан таъминланди. Шу маънода илк қадамни Хоразм вилоятининг Урганч туманидан бошладик.

Хабарингиз бўлса, ўтган йили Тошкент шаҳрида қизамиқ ва қизилчага қарши оммавий эмлаш кампаниясининг муваффақиятли ўтказилганлиги касалликни йўқотишга қаратилган дастлабки қадамлардан бири саналади. Айнан Хоразм вилоятини оладиган бўлсак, оммавий эмлаш бўйича тузилган вилоят Соғлиқни сақлаш бошқарсининг штаби кундалик иш фаолиятини режага мувофиқ Республика санитария-эпидемиология назорати марказига ахборот тарзида бериб боради. Координатор сифатида вилоятга бириктирилган Эпидемиология-микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтининг директор муовини Сирожиддин Бобожоновнинг фикрича:

— Оммавий эмлаш бўйича ишларнинг аскарияти 40-50 фоизга бажарилиб бўлди, десам хато бўлмайди. Бундай ютуқларнинг бош сабабчиси, албатта, аҳолининг касалликлар тўғрисидаги билимларга эгаллигидир, деб биламан. Мазкур масалани тўлақонли ўтказишда барча тиббиёт муассасалари, раҳбарият органлари,

эгаллигини пайқаш қийин эмас. Урганч тумани кўчаларидан борар эканмиз, пештахталардаги «Қизилча ва қизамиққа қарши эмлаш — шу ерда» деган ёзув сизни тўри эмлаш пунктлари томон олиб боради.

Муяссар РЎЗМЕТОВА,
Урганч тумани, Чотқўпир
қишлоқ врачлик
пункти мудири.

— Ҳудудимизда бугунги кунда 4584 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1184 нафари 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган фуқаролардир. Уларни касаллик ҳақидаги маълумотлардан бохабар қилиш, эмлашнинг фойдали томонларини тушунириш, касалликдан кейин қоладиган салбий асоратлар хусусидаги тарғибот ва ташвиқот ишлари билан таништирдик. Умуман олганда, бизнинг вазифамиз аҳоли саломатлиги йўлида ишлаш экан, маҳалла ва мактаблар билан келишган ҳолда тез-тез давра суҳбатлари уюштириб турамыз. Юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида эса керакли тадбирлар режаси тузиб олинган. Муассасадаги 10 нафар ҳамшира бевосита оилалар билан боғланиб ишлайди. Уларда қан-

етарли миқдорда вакциналар бўлиб, бир марталик шприцлардан фойдаланилади, ундан ташқари, ноҳуш ҳолатларга биринчи тиббий ёрдам жихозлари ҳам тайёрлаб қўйилган. ҚВП мудирининг фикрига қараганда, ҳалигача бирорта фуқарода ноҳуш, аллергик ҳолат кузатилмаган. Эмлашга навбат кутаётган эмланувчилар эса деворда осиб қўйилган юқумли касалликлар тўғрисидаги плакатлар ва буклетлар билан танишиб, тиббий саводхонликларини ошириб турадилар.

Хонқа тумани марказий шифонасига қарашли «Сарапоён» қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда у ерда ҳам эмлаш жараёни жадаллик билан олиб борилаётганлигини кузатдик. ҚВП мудири Отажон Рўзметовнинг оммавий тадбирини ўтказиш борасидаги саяё-ҳаракатлари, аҳоли билан ишлаш, юқумли касалликларни олдини олиш ва бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказишдаги жонбозлиги фикримизни ўзига жалб этди. 8500 аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётган мазкур ҚВПнинг 17 нафар ҳамшираси-ю, 4 нафар врач оммавий эмлаш тадбири бошлангунга қадар аҳоли, маҳалла ва таълим муассасалари билан доимий равишда давра суҳбатлари ташкил этиб келишган. ҚВПнинг шундоқкина ёнгинасида Иқтисодиёт коллежининг мавжудлиги ва у ерда тахсил олаётган ёшларнинг ўз соғлиқларини ўйлаб, эмлашда фаол қатнашаётганликлари юқоридаги ишларнинг амалий ифодаси қанчалик натижа берганлигини кўрсатади.

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва ЖССТ томонидан махсус сертификатта эгаман. Ҳудудимиз бўйича 3300 нафар фуқаро рўйхатга олинган бўлиб, шундан 50 фоизга яқини эмланиб бўлди. Уларнинг ҳар бирига эмлаш тўғрисида гапириб, қандай парhezда туриш, нималарга эътибор беришлиги ҳақида маслаҳатлар берамиз. Ҳалигача бу вакциналар ҳеч кимда ёмон ҳолатларни келтириб чиқармади. Имконият даражасида мактаб, коллеж ёшидаги фуқароларни эмлаб бўлдик. Фақатгина ижтимоий меҳнат билан банд бўлган, уйда ўтирган эмланувчилар қолди ҳолос. Улар ҳам тушунтириш ва ташвиқот натижаларидан кейин кела бошлашяпти, — дейди вакцинадор Гўлчехра Сабинова.

Муқаддас РАҲАБОВА,
29 ёш, уй бекаси.

— Эмлаш — бу касалликка чалинмасликнинг ягона йўли. Лекин мен касалликнинг аёллар учун ёмон оқибатларини эшитиб келдим. Уйлаб қарасак, ҳар бир фуқаро бундан эҳтиёт бўлиши керак экан. Эмланганимдан кейин менда бу касалликка чалиниш хавфи бўлмаслиги тўғрисида гапиришди. Айниқса, қизилча касаллиги туфайли чақалоқларда келиб чиқаётган асоратлар ҳар бир она учун муҳим ҳисобланади. Энг муҳими, вакцина бепул тарзда ўтказилаётган экан, барча 11 ёшдан 29 ёшгача бўлганларни бу имкониятдан эътиборсиз қолмасликларини сўрардим.



Айнан юқоридаги ҳолатни ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги эмлаш пунктларидан бирида бўлдик. «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида замонавий қад ростилаган «Маданият» қишлоқ врачлик пунктида ташкил этилган оммавий эмлаш пункти ҳеч бир вилоятдаги шарт-шароитлардан фарқ қилмайди. Фақатгина ишнинг самарадорлиги, сифати, аҳолининг бу масалага бўлган муносабати билан керакли ҳулосани чиқариш мумкин.

Жами 4800 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бу ҳудудда 1312 нафар эмланувчи рўйхатдан ўтказилган. Вакцинаторлар тушлик вақти бўлишига қарамай, эмлаш жараёнини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Шунда уларнинг бандлигини кўриб, кузатувни аҳоли фикри билан давом эттирдик.

Гўлнора ҲАЙДАРОВА,
28 ёш, уй бекаси.

— Эмланиш ҳамманинг ўзига керак. Бировни мажбурлаб олиб келиб бўлмайди. Телевизор, газета орқали, ҚВПмиз ходимларидан касаллик тўғрисида кўп бора эшитдик. Ҳақиқатан қизамиқ ва қизилча касаллиги ўта хавфли ҳисобланар экан. Болаларимиз ўз вақтида эмланган. Ҳали оиламизда бу касаллик учрамаган. Лекин эҳтиёт шарт, бепул эмланиш пайтида имкониятдан фойдаланиб қолиш керак. Яна бизга ким шундай шароитни яратиб беради. Оммавий тадбир бўлганлиги учун мана ҳаммамиз навбат кутиб, бир зумда эмланаямиз. Ҳали танам-

да ўзгариш сезмадим. Ўзимни яхши ҳис этияман.

Эмланиб чиққан турли ёшдаги фуқаролар шифокор назоратида бўлишиб, ярим соат давомидида ҳеч қандай ноҳуш ҳолат кузатилмагач, уйларига рухсат оладилар.

Ундан ташқари, Нукус шаҳридаги 1-сонли поликлиника ходимлари аҳоли сони кўп бўлишига қарамай, муайян режа асосида эмлаш тадбирини ушшоқлик билан олиб бормоқдалар. Рўйхатга олиш, тиббий куриқ, эмлаш ва кутиш хоналари одатдагидан кўра гавжумроқ. Эмлаш жараёни ўтгунга қадар, кутиш хонасида ўтирган фуқароларга шифокорлар томонидан қизамиқ ва қизилча тўғрисидаги тушунтириш ишларининг ўтказилаётганлиги эътиборимизни тортиди. Бундан қўзланган мақсад — аҳолининг тиббий саводхонлиги янада бойишига эришиш, ўз-ўзига нисбатан масъулиятини оширишдир.



таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар жалб этилган бўлиб, эмлаш пунктлари замонавий техник жихозлар, халқаро стандартларга жавоб берадиган вакциналар билан ЮНИСЕФ ва ЖССТ томонидан таъминланган, қолган ташкилий ва мониторинг кузатувлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорати асосида олиб борилади. Касаллик вакциналари Хиндистонда ишлаб чиқарилган бўлиб, фармакологик талабларга тўлиқ жавоб беради. Ҳозир ҳар бир туманда ишлар тўғрисида йўлга қўйилган бўлиб, қўндалик маълумотни штаб йиғилишидан сўнг, Республика санитария-эпидемиология назорати марказига электрон тармоқ орқали юборамиз. Айни кунда вилоят бўйича 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган эмланувчилар рўйхати 584 мингтани ташкил этади.

Вилоятдаги эмлаш пунктларини кўздан кечириб эканмиз, барча ишлар режага мувофиқ етарли шарт-шароит ва имкониятлар билан таъминланганлиги эътиборимиздан четда қолмади. Айниқса, аҳолини рўйхатга олиш жараёнидаги гавжумликдан қўзғинади. Демак, эмлашнинг мазмун-моҳияти ва фойдаси тўғрисидаги билимлардан аҳоли етарли тушунчага

дайд муаммолар бўлса, биргалликда ечим топишга ҳаракат қилади. Айнан ижтимоий аҳамият касб этувчи оммавий эмлаш бўйича иккита вакцинадор тайёрланди. Улар махсус сертификатта эга. Гўвоҳи бўлганимиздек, ҳар бир эмланувчи аввал тиббий куриқдан ўтиб, керакли тавсия ва кўрсатмаларни олган, эмланади. Ундан ташқари 15-20 дақиқа давомидида шифокор назоратида бўлади.

ҚВП мудирининг
сўзларига янада ишонч
орттириш мақсадида
эндигона эмлаш
вакцинасини олган 22 ёшли
Назакат БЕКЧАНОВА
суҳбатга тортдик:

— Вакцинадан кейин ҳали ўзимни ноҳуш сезганим йўқ. Менга ярим соат шу ерда ўтиришимни айтиб, уч кун мобайнида туҳум, балик сингари маҳсулотлардан истеъмол қилмаслигини уқтиришди. Мен ҳали ёшман. Эртага оилали бўлганимда қизилчанинг ҳомилимага тасири тўғрисида яхши маълумотга эгаман. Ҳар бир одам юқумли касалликка чалиниб қолишдан эҳтиёт бўлиши керак экан. Чунки, бу акция бепул. Бундан ортқ имкониятнинг ўзи бўлмаса керак. Мен тенгдош дўгоналаримга ҳам ўз вақтида эмланишларини тавсия қиламан.

Муассасадаги музлатгичларда



Шу тарика яна бир қанча тиббиёт муассасаларидаги эмлаш пунктларини бориб кўрдик. Эмлаш ишларининг сифати ва аҳоли билан танишган, тадбирнинг келгусидаги муваффақияти ижобий яқунланмишига ишончимиз янада ортди.

Намоз ТОЛИПОВ.

СУРАТЛАРДА: Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятининг тиббиёт ходимлари оммавий эмлаш жараёнида амалга оширмоқда.

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мутахассис маслаҳати

Қандли диабет касаллиги кенг тарқалган ва жуда юқори харажатли сурункали хасталик бўлиб, бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммосидан биридир. Бу дард билан оғирланган сони йилдан-йилга ер юзининг барча қиррасида ортиб бормокда. Шу кунгача беморлар сони 266 миллионга тенг бўлиб, 2025 йилда эса 350 миллионга етиши қайд қилинмоқда. Қандли диабетнинг келиб чиқиш сабаблари, ривожла-

ниш йўллари ва клиник аломатларига кўра турлича бўлган касалликлар гуруҳини бирлаштиради. Бу касалликларнинг барчаси учун хос жиҳат – қон таркибидagi глюкозанинг сурункали ортишидир. Қонда глюкоза миқдорининг ортиши модда алмашинуви хараѝнининг бир қатор бузилиши оқибатида содир бўлади. Кўриниб турибдики, қандли диабет – моддалар алмашинуви бузилиши касаллигидир.



даражада бўлганлигини аниқлаб беради.

Одатда қандли диабет бўлиш эҳтимоли биринчи навбатда хавфли гуруҳга мансуб бўлган шахсларда юқори бўлади. Хавфли гуруҳларга яқин қариндошларида қандли диабетни бор бўлганлар; глюкозага турғунлиги бузилганлар; наҳорғи қонда глюкоза миқдори ошганлар; олдин ҳомиладорлик диабетни бўлганлар; вазни 4500 г дан ортқ бола туққан аёллар; қон босими 140/90 мм.рт.ст. дан юқори бўлганлар; вазни меъёридан 20 фоиздан ортқ бўлганлар; ёши 65 дан ошган шахслар кирди.

Қандли диабет касаллиги ривожланиш эҳтимоли бўлганлар қаторига қуйдаги ҳомиладор аёллар кирди: ўтмишда ҳомиладорлик диабетни ёки глюкозага турғунлигини бузилиши бўлган, яқин авлодида қандли диабет билан хасталанганлар, ортқча вазни >20 % зиёд, аввалги ҳомиладорликларда жиддий асоратлар билан туққан аёллар, йирик 4,5 кг ортқ ёки ўлик бола туққанлар, ривожланишида туғма нуқсонли бола туққан аёллар.

Хавфли гуруҳга мансуб бўлган шахслар ва ҳомиладор аёлларда текширув ўтказиб, эрта ташхис қўйиш жуда муҳимдир. Ўз вақтида аниқланмаган углевод алмашинуви бузилиши, унинг бартараф этилиш чоратбадилари кўрилмаган ҳолда беморлар ва ҳомиладор аёл соғлигига, бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли жуда юқоридир.

Қандли диабет касаллигини ҳозирги даврда тўла-тўқис даволаш чораси топилмаган. Бироқ касаллик бошқарувини тўлиқ бажариш имкони жуда юқоридир. Бунинг учун қуйдагиларга амал қилиш керак бўлади: мунтазам равишда овқатланиш тартибига риоя қилиш, ўз вақтида қанд миқдорини пасаитирувчи препаратларни қабул қилиш (инсулин таблеткалари), имкон қадар жисмоний фаоллиқни жадаллаштириш ва ўз-

ўзини назорат қилишни амалга ошириш.

Буларга амал қилмаслик эса ҳар хил асоратларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Улардан энг хавфлиги диабет қондалари, юрак-томир асоратларидан – юрак-ишемик хасталиги, мия томирларда қон айланиши бузилиши, оёқларда диабет тулиги ривожланиши, нерв толалари шикастланиши – нейропатиялар, кузда – ретинопатия, буйракда нефропатиялардир. Шундай қилиб, ҳозирги кунда қандли диабетни даволашдан мақсад унинг асоратларини олишдир. Бунга эришиш учун эса юқорида келтирилган тўртта йўналишни амалга ошириш албатта шарт. Бунинг натижасида қонда глюкоза миқдорини иложи борида нефропатиялар кўрсаткичига яқинлаштиришдир – бунинг учун қонда глюкоза миқдорини тез-тез аниқлаб туриш керак бўлади. Кўпчилик инсонларга уй шароитида қонда глюкоза миқдорини аниқлаб туриш ҳудди қон босимини тонометр ёрдамида назорат қилишдай оддий ҳолат бўлиб қолди. Бунинг учун бутун дунёда махсус аппаратлар (глюкометрлар) қўлланилади. Уларнинг турлари кўп бўлиб, кўпчилик давлатларда ишлаб чиқарилади. Буларни ҳақиқий уй лабораторияси деб таърифлаш мумкин. Бундан ташқари, қон босим назоратини мунтазам равишда олиб турилиши тавсия этилади ва 120/80 мм.с.у.дан оширмасликка ҳаракат қилиш керак бўлади, қонда холестерин, триглицеридлар миқдорини меъёрдан оширмаслик керак бўлади. Фақатгина барча тавсияларни шифокор ва бемор ҳамкорлигида амалга ошириш оқибатида қандли диабетни касаллик эмас, соғлом ҳаёт тарзига айлантириш имкони жуда юқори бўлади. Унинг натижасида эса беморлар соғлом кишилар қаторида узок тўлақонли умр кечирадилар.

Жисмоний ҳаракат, тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш, руҳий ва жисмоний зўриқтишдан қорғ бўлиш, тана вазнини меъёрида сақлаш. Шу ўринда болаликдан бошлаб меъёрида овқатланишни ўрганиш, яъни «овқат учун яшамаслик», балки яшаш учун овқат ейиш керак. Соғлом ҳаёт тарзини амалга ошириш қандли диабет ва унинг асоратларини олдини олиш гаровидир.

М. РАХИМЖОНОВА,
тиббий фанлари номзоди,
Эндокринология илмий-текшириш институтининг
диабет бўлими катта
илмий ходими.

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА БИЛИМЛАР

Инсон яшаши, ҳаракатда бўлиши ва меҳнат қилиши учун энергия сарфлайди. У бундай энергия билан таъминланиши учун овқат истеъмол қилади. Энергия моддалар алмашинуви жараѝида ҳосил бўлади. Углеводлар (шакар) ва ёғлар эса энергиянинг асосий манбаи ҳисобланади. Нон, дон, сут маҳсулотлари, мева, сабзавотларда углеводлар кўп бўлади. Уларнинг кўп қисми тана ҳужайраларига қиради. Ҳужайраларда глюкоза мураккаб қимёвий ўзгаришлар оқибатида энергия

касалликнинг биринчи тури кўпинча ўсимирлик, ўспиринлик ёшда, семиз бўлмаган беморларда учрайди. Бундай одамлар организмда ошқозон ости бези бета-ҳужайралари инсулин қичара олмайди ва уларнинг даволалишида глюкозани пасаитириш мақсадида инсулин препаратлари қўлланилади. Беморларнинг 80-90 фоизда диабет касаллигининг иккинчи тури учрайди. Бу дардга ёши 35-40 дан ошган, аксари жуда семирмиб кетган кишилар мубтало бўлади. Уларда ошқозон ости бета-

Қандли диабет касаллигини аниқлаш мақсадида одатда сутка мобайнида йиғилган сийдик ва наҳорға олинган қондаги глюкоза миқдори текширилади. Бу усул фақат касалликнинг яққол юзага чиққан турини аниқлашга ёрдам беради. Ўнг кўп учрайдиган қандли диабетнинг 2-турида эса касаллик белгилари одатда аста-секин ривожланади. Узок вақт давомида беморнинг тинқаси қуриб, тез-тез сийғиси қисқаб туради. Аммо бу секин ривожланиб бурганидан кўпчилик унга эътибор бермайди. Шу сабабли кўпинча хасталик авж олганда, яъни клиник кўриниши юзага чиққанда аниқланади.

Касалликнинг яширин турини барвақт аниқлаш жуда муҳимдир. Бу ҳолларда қуйдаги усуллардан фойдаланилади:

- а) организмнинг глюкозага турғунлигини аниқлаш;
- б) гликирланган гемоглобинни аниқлаш;
- в) сочдаги гликирланган кетратинни аниқлаш.

Соғлом кишиларда наҳорда қон таркибидagi глюкоза – 5,5 ммоль/л (100 мг %дан, овқатлангандан кейин 2 соат ўтгач эса – 7,5 ммоль/л (140 мг %)дан ортмайди, бир суткалик сийдикда одатда шакар бўлмайди. Қандли диабетнинг қайси тури бўлишидан қатъи назар, унда клиник намоён бўлган ҳолатнинг ташхисини қўйиш учун бармоқдан олинган капилляр қондаги глюкозанинг миқдори наҳорда ёки куннинг исталган вақтида аниқланади. Агарда наҳорға олинган глюкоза миқдори икки марта 6,1 ммоль/л тенг ёки ундан юқори бўлса ёки куннинг исталган вақтида олинган қонда глюкоза миқдори 11,1 ммоль/л тенг ёки юқори бўлса қандли диабет ташхиси қўйилади.

Наҳорда қонда глюкоза миқдори 6,1 ммоль/л паст бўлган ҳолда глюкозага турғунлик синнамаси ўтказилади. Бунинг учун текширилаётган шахс уч кун одатдаги овқатланиш тартибини сақлаб синамадан бир кун олдин кеч соат 19 дан кейин овқатланмасдан келади. Эрталаб наҳорда қонда глюкоза миқдори текширилади ва 75 г 200-300 мл сувда эритилган глюкозани 5 дақиқа оралғида ичиш тавсия этилади. Икки соат ўтгач, қонда глюкоза миқдори яна қайтадан аниқланади. Олинган натижаларга кўра қуйдагилар ташхис қўйилади, 11,1 ммоль/л дан юқори бўлса қандли диабет ташхиси қўйилади.

Қонда гликирланган гемоглобин ва сочда гликирланган кетратин (биринчиси 2-3 ой аввал, иккинчиси сочнинг узунлигига қараб бир неча ойлаб олдин) қонда глюкоза миқдори қайси



ҳосил қилади. Углеводлар (глюкоза) ҳужайраларда ўзлаштирилиши учун соғлом танада маълум шароитлар зарурдир. Булардан асосийси – инсулин. Инсулин – юқори даражада фаол бўлган қимёвий модда (гормон) бўлиб, у ошқозон ости безининг алоҳида – бета-ҳужайраларида ишлаб чиқарилади, тўпланиб оролчаларга гуруҳлашади. Оролчаларни лотинча «инсула» деб аташади. Тана ҳужайраларига глюкозани қайта ишлаб юборадиган гормоннинг номи ҳам шундан келиб чиққан. Инсулиннинг ҳужайра қулфини глюкозага очиб берадиган қалитга таққосласа бўлади. Ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган сабабларга кўра инсулин етишмаслиги юзага келганда қандли диабет касаллиги ривожланади.

Қандли диабет касаллиги бир неча турга бўлинади. Ушбу

ҳужайралари инсулинни меъёрида ишлаб чиқарсада, баъзи бир сабабларга кўра ўз вазифасини уудалай олмайди. Шунинг учун глюкоза миқдорини пасаитириш мақсадида парҳез, жисмоний ҳаракатлар хаб дорилар (бигуанидлар, сульфаниламидлар ва бошқалар) қўлланилади. Бу икки асосий турдан ташқари гестацион диабет ҳам учраб туради. Гестацион диабет, яъни ҳомиладорлик диабет, бу ҳомиладорлик даврида биринчи марта аниқланган ҳар хил (глюкозага турғунлик бузилишидан, клиник намоён бўлган диабетга) углеводларга турғунлигини бузилишидир. Қандли диабет касаллигининг бу тури аёл туққанидан сўнг йўқолиб кетади, аммо бу аёлларда келгусида яна қайта вужудга келиш имкониятини тўғдиради.

Диабетнинг турлари таснифи 1-жадвалда келтирилган:

1-жадвал

Қандли диабет тури	Қандли диабет келиб чиқиш омиллари	Биринчи белгилари
Қандли диабетнинг 1-тури	Ирсий (ойлавий) мойилик меда ости безини шикастловчи вируслар, имқун тизим муаммолари, стресслар	Ташналик, оғиз қуриши, тез тинқа қуриши, тез-тез пешоб ажратиш, озиш, кучли қорин очини, чарчаш, бўшашиш
Қандли диабетнинг 2-тури	35 дан юқори бўлган ёш, ортқча тана вазни, оилавий мойилик, ҳомиладорлик даврида қандли диабет бўлган аёллар	Ташналик, оғиз қуриши, тез тинқа қуриши, тез-тез пешоб ажратиш, сержаҳлик, кўз хираланиши, қуриш қобилияти пасаитиш, оёқ-қўлларда жонсизланиш, игна санчиш. Тери жароҳатларининг суст битиши, инфекция билан зарарланиши, қичиши
Гестацион қандли диабет (ҳомиладорлар диабет)	Ҳомиладорликнинг 2-3-триместри	Ташналик, оғиз қуриши, тез тинқа қуриши, тез-тез пешоб ажратиш, сержаҳлик

**КАСАЛЛИКЛАРДАН ҚОЛИ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ
БИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!**

**Вниманию руководителей стоматологических клиник,
частнопрактикующих стоматологов, зубных техников
и студентов стоматологических факультетов и техникумов**

Проводится подписка и осуществляется реализация научно-популярного медицинского журнала **“СТОМАТОЛОГИЧЕСКАЯ ПАНОРАМА”** (лицензия № 0241 от 04.04.2007 г. Агентства по печати и информации РУ).

Журнал издается при поддержке Профессионального общества ортодонтот России и редакции журнала “Ортодонтия”, издательства “Поли Медиа Пресс”, редколлегия газеты “Стоматология сегодня” и журнала “Стоматология сегодня плюс” (Россия). На страницах журнала публикуются статьи о методах лечения по разным направлениям современной стоматологии

(терапия, хирургия, эндодонтия, ортодонтия, ортопедия, парадонтология, имплантология, профилактика и т.д.) отечественных и зарубежных авторов из международных профессиональных изданий и сети Интернет. В журнале представлены материалы фирм — производителей стоматологического оборудования, расходных материалов и инструментов. Принимаем заявки на размещение рекламы Вашей продукции и публикации статей в журнале.

Данный медицинский журнал выходит один раз в два месяца, в год 6 номеров.

В настоящее время имеются в продаже №1 и №2 журнала.

Контактные телефоны: (998-71) 133-85-25, тел/факс 136-21-97.

E-mail: Benetek-impeks@yandex.ru, http://www.benetek.uz
Приглашаем к сотрудничеству региональных представителей.



Реклама медицинского оборудования

ООО “BENETEK-IMPEKS” предлагает:

- Автоклавы электронные полуавтоматические (объем — 11л, 19 л) работающие в 2-х режимах:
1 bar — 120° С (35-45 мин.) стерилизация текстильных материалов и резиновых изделий,
2 bar — 134° С (25-35 мин.) быстрая стерилизация металлических инструментов;

-Дистилляторы (объем 4 л, производительность 0,7л/час);

- Упаковочные аппараты для стерильной упаковки инструментария;
- Упаковочные ленты 6 видов (на всех видах лент имеются индикаторные отметки качества стерилизации).

Производитель: компания “MELAG” (Германия);

- Стоматологические установки стандартных комплектаций с нижней и верхней подачей на 3-5 рабочих наконечника. Возможно оснащение по индивидуальному заказу.

Производитель: НПФ “Корал” (г. Санкт-Петербург, Россия);

- Ортодонтическую продукцию в ассортименте: металлические, керамические и пластиковые брекет-системы и др. производства компании

“American Orthodontics” (США);

- Трейнеры, суставные шины и спортивные каппы производства компании “MRC” (Австралия-Нидерланды).

Вся продукция зарегистрирована в МЗ РУ и сертифицирована.

Информацию по ценам, условиям оплаты и поставки продукции Вы можете получить

по телефонам: (998-71) 133-85-25, тел/факс: 136-21-97.

E-mail: Benetek-impeks@yandex.ru, http://www.benetek.uz

Приглашаем к сотрудничеству региональных представителей.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Кадрли Ибрагимова Муҳаббат Яхёевна!

Сизни муборак ёшингиз билан чин дилдан кутлаб, тани-сиҳатлик, оилавий бахт, халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси тахририяти жамоаси.

Хурматли

Файзуллаева Матлуба Улмасовна!

Сизни таваллуд айёмингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келгуси эзгу ишларингизда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Республика шозишлик тиббий ёрдам илмий марказининг Нейрохирургия бўлими жамоаси.

Фармация – 2007

**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН
КЕНГ ИМКОНЯТ**

Жорий йилнинг 14-16 ноябрь кунлари Ўзбекистон Бадий Академиясининг кўргазмалар залида ZagExpo миллий кўргазма компанияси томонидан ташкил этилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «ЎзФармПром» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда Дори воситалари ни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш Илмий Маркази ҳамкорлигида ўқинчи ихтисослаштирилган «PharmExpo Uzbekistan» кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Хошимов кириш сўзи билан очиб, республикамиз аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларини маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган сифатли дори-дармон ҳамда тиббий воситаларга бўлган талабни қондириш ҳамда фармацевтика саноатини ривожлантириш борасида ҳар йили ярмарка ва кўргазмалар ташкил қилиш аъёнага айланганлигини, шу билан бирга мазкур кўргазмада ўзбек фармацевтика бозорида фаолият юритаётган 30 дан ортиқ миллий ва хорижий, яъни Ўзбекистон, Россия, Белорусь, Қозоғистон, Покистон, Ҳиндистон,

Украина, Швеция, Бирлашган Араб Амириклар, Хитой каби давлатларнинг корхона ҳамда фирмалари иштирок этаётганлигини тилга олди.

Сўнгра, ҳамкор ташкилотларнинг вакиллари сўзга чиқиб, бу каби кўргазмаларнинг аҳамияти фармацевтика маҳсулотларига бўлган талабнинг шаклланишида эканлиги, унинг асосий мақсади истеъмолчиларга янги-янги маҳсулотларни намойиш этиш, бунинг баробарида ўз ютуқларидан бохабар қилишлиги хусусида сўз юритишди.

Уч кун давом этган ушбу кўргазмада ҳар бир фирма ўз миқозларига эга бўлиб, улар билан шартнома тузишга сазовор бўлди.

Холмурод РАББАНАЕВ.

Давра суҳбат

СОҒЛОМ ОИЛА – ЮРТ КАМОЛИ

Бизга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 14 ноябрь – «Бутунжаҳон қандли диабет касаллигига қарши курашиш» кун деб эълон қилинди. **Шу муносабат билан жорий йилнинг 13 ноябрь кун** **ЎзЛиДеП Сийёс** **Кенгаши Ижроия Кўмитасида «Соғлом оила – миллат таянчи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари, соғлиқни сақлаш муассасалари вакиллари ва партия фаоллари иштирок этди.**

Давра суҳбатиди асосан, инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатаётган қандли диабет хасталиги юзасидан профилактика чора-тадбирларни қўллайишга кўмаклашиш, аҳоли сайоматлигини таъминлаш ва мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш борасида амалга оширилаётган ижтимоий-гуманитар ислохлар жараёнидаги партиянинг асосий вазифалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан мутахассислар «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш, соғлом авлодни шакллантириш ҳамда миллат генофондини асрашга кенг эътибор қаратилаётганлигининг амалий ифодаси

эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу борада ўзларининг тақлиф ва фикрларини билдиришди.

Тадбир давомида «Media Liet» компанияси томонидан Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Фирдавсий маҳалласи ва Бектемир туманидаги Хусайн Бойқаро маҳаллаларида қон таркибидаги қанд моддаси миқдорини аниқловчи махсус (глюкометр) тиббий асбоб-ускуналар топширилди. Эндокринология илмий текшириш институтининг 50 йиллиги муносабати билан мазкур институт жамоасига ЎзЛиДеПнинг фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари тақдим қилинди.

Давра суҳбати сўнггида тадбир иштирокчилари учун «Қандли диабет» касаллигига бағишланган фильм намойиш этилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир хайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир хайъати аъзолари:

Бобур Алимов, Озода Мухитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдурахмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихжоева, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов.

Газета муассиси:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь кун **руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.**

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтаини сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Адади 4582 нуска. Буюртма Т-1050.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади. Газета ҳафти 2 босма табоқ, Формати А3. Офсет усулида босилган. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОКОВ. Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ. Босмахонага топшириш вақти – 20.00.